

ҲАЁТИМИЗДА ИЖТИМОЙ АДОЛАТНИ ЯНАДА

Тармоқ касаба уюшмаларининг

КЕНГ ҚАМРОВЛИ ФАОЛИЯТ ТАҲЛИЛИ

Ўзбекистон транспорт, йўл ва капитал қурилиш, қурилиш индустрияси ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгашининг VI Қурултойи ҳар жиҳатдан қизиқарли ўтди.

Таъкидландики, давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан амалга оширилган кенг қўлмалли ислохотлар мамлакатимизда янги даврни бошлаб берди. Жаҳон ҳамжамияти эътироф этаётган ўзгаришлар жамият соҳаларни, жумладан, давлат ва жамият қурилиши, иқтисодиёт, ижтимоий соҳа ва ташки сибсатни ҳам қамраб олди.

Шуниси аҳамиятлики, кейинги йилларда юртимизда рўй бераётган асрларга татигулик улкан ўзгаришлар ва ютуқларда Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси, хусусан, Ўзбекистон транспорт, йўл ва капитал қурилиш, қурилиш индустрияси ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгашининг ҳам алоҳида ўрни бор. Бунини сўнги беш йилда амалга оширилган кенг қамровли ишлар мисолида ҳам кўриш мумкин.

Қурултойда кун тартибидagi қатор масалалар қўриб чиқилиб, тафтиш комиссиясининг ҳисоботи тингланиб, кенгашнинг 2021-2025 йиллардаги фаолияти таҳлил қилинди.

— Халқ билан яқиндан мулоқот қилиш, унинг дарду ташвишлари ва ҳаётий муаммоларини жойида ҳал этиш касаба уюшмалари фаолиятининг ажралмас қисмига айланган, — деди Қурултойдаги ўз чиқишида Ўзбекистон транспорт, йўл ва капитал қурилиш, қурилиш индустрияси ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгаши раиси Абдулла Нугмонов. — Ўтган давр мобайнида тармоқ касаба уюшмасига фуқаролардан жами 227 та мурожаат келиб тушди ва улар ўрнатилган тартибда қўриб чиқилиб, ижобий ҳал қилинди. Ҳисобот даврида иш берувчилар ҳамда касаба уюшмалари маблағлари ҳисобидан жами 36 225 нафар ходимга ва уларнинг оила аъзоларига ижтимоий кўмак ва моддий ёрдамлар кўрсатилди. Бу эса турли йўналишлар бўйича ҳар йилги ижтимоий тақсимотлар 112 фоизгача бажарилганини аниқлади.

Маълумотларга кўра, Тармоқ касаба уюшмаси Республика кенгаши ижтимоий шериклари, яъни Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги, Транспорт вазирилик ва мазкур вазирлик ҳузуридаги Автомобиль йўллари кўмитаси, «Ўзсаноатқурилишматериаллари» уюшмаси ҳамда «Ўзмонтажмахсусқурилиш» акциядорлик жамияти билан тармоқ жамоа келишувлари имзолаган. Ушбу келишувларга мувофиқ, томонлар ижтимоий ҳамкорлик асосида тармоқ корхоналарида ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш, ҳуқуқий масалалар ва меҳнат муҳофазаси каби қатор йўналишлар бўйича салмоқли ишларни амалга оширган.

Ҳисобот даврида бошланғич ташкилотлар фаолларининг ҳуқуқий саводхонлиги, билим ва кўникмаларини ошириш мақсадида тармоқ касаба уюшмаси Республика кенгаши томонидан барча ҳудудларда касаба уюшмалари фаолиятига оид турли мавзуларда семинарлар ва давра суҳбатлари ташкил этилган. Мазкур тадбирларда 40 800 нафар фаол иштирок этган.

Касаба уюшмаларининг фаолият йўналишлари бўйича 822 та ташкилотда 9150 та ўқув-семинар ва давра суҳбатлари ўтказилган. Уларда 56 650 нафар ходим иштирок этиб, ўз билим ва малакаларини оширишган.

Тармоқ касаба уюшмаси фаоллари томонидан соҳага алоқадор корхона ва ташкилотларда касаба уюшмасига аъзоликнинг афзалликлари хусусида тушунтириш ишлари олиб



борилди. Натижада ҳисобот даврида 2136 та янги корхона ва ташкилотда касаба уюшмаси тузилиб, уларда фаолият юритиб келаётган 308 705 нафар ходим аъзоликка қамраб олинди. Аини вақтда тизимдаги бошланғич ташкилотлар сони 4141 тани, аъзолар эса 511 813 нафарни ташкил этади.

Ҳисобот йилларида 3574 та бошланғич ташкилотда жамоа шартномалари экспертизадан ўтказилди ва бу билан ишчи-ходимларнинг ўртача 99 фоизи қамраб олинди.

Жамоа шартномалари бандлари бўйича ҳар бир ходимга сарфланган маблағ миқдори йилдан йилга ўсди.

Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни янада такомиллаштириш, янги қонунчилик ҳужжатларини қабул қилиш, ходимларнинг ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқ ва манфаатларини самарали ҳимоялаш борасида юридик бўлим томонидан бир қатор ишлар амалга оширилди. Жумладан, Ўзбекистон Республикасининг 3 та кодекси ва 7 та қонун лойиҳаларига асосли тақлифлар берилди.

Меҳнат муҳофазаси бўйича режалаштирилган 121 887 та тадбир ўрнига 144 389 та тадбир ўтказилди. Яъни белгиланган режа 118 фоизга бажарилишига эришилди. Тармоқ корхоналарида меҳнат муҳофазасига сарфланаётган маблағлар миқдори эса йил сайин ортиб борди.

Жойларда ишчиларнинг меҳнат шартномаси асосида ишлаётгани, уларнинг ижтимоий ва меҳнат ҳуқуқлари қай даражадалиги, ишчиларга хавфсиз меҳнат шaroитлари яратилгани борасида республика бўйича жами 864 та ташкилотда ўрганишлар олиб борилди. Тарғибот-ташвиқот ишлари натижасида 680 та ташкилот ва жами 43 984 нафар ходим тармоқ касаба уюшмасига ўз ихтиёри билан аъзо бўлди.

Бугун тармоқ касаба уюшмасига жами 165 822 нафар ёш аъзо бўлган ва шундан 121 274 нафари талабалардир. Ҳисобот даврида ёшлар учун ташкиллаштирилган турли кўрик-танловларда 13 680 нафар ёш ходим иштирок этди.

Ҳисобот йилларида Самарқанд шаҳрида Халқаро транспорт ва йўл хўжалиги ходимлари касаба уюшмалари ва Халқаро қурувчилар касаба уюшмаси Конфедерациясининг навбатдаги йиғилишлари ҳам бўлиб ўтди.

Қурултойда кенгаш раиси ва унинг ўринбосарлари муқобиллик асосида яширин овоз бериш йўли билан сайланди. Унга кўра, Абдулла Нугмонов навбатдаги муддат учун кенгаш раиси, Шухрат Муҳамедхонов ва Нодир Деҳқонов эса унинг ўринбосарлари лавозимларига сайландилар. Шунингдек, тадбир давомида тармоқ тафтиш комиссияси ва комиссия раиси, кенгаш ва раёсат аъзолари сайланиб, Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг IX Қурултойига делегатлар ва Федерация Бош кенгаши вакилликка номзодлар кўрсатилди.

Алижон АБДУРАҲМОНОВ, Эъзоза УМУРЗОҚОВА (фото), «Ishonch» мухбирлари

ИШЧИ-ХОДИМЛАР БИЛАН ДОИМО БИРГА ВА УЛАРГА ҲАМИША ЕЛКАДОШ

Ўзбекистон маданият, спорт ва туризм ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгашининг II Қурултойида қатор масалалар кўриб чиқилди.



Дастлаб кенгашнинг 2020-2025 йиллардаги фаолияти таҳлил қилинди.

Кенгаш раиси Отабек Мусаевнинг маърузасида таъкидланганидек, ҳисобот даврида жамоавий ҳаракат, садоқат, масъулият ва интилиш натижасида қатор ютуқлар қўлга киритилди. Соҳада амалга оширилган ислохотлар ва жорий этилган янгиликлар ортда 100 минглаб меҳнаткашларнинг ишончи, уюшманинг садоқатли ва ҳалол хизмати турибди.

Маданият, спорт ва туризм ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгаши 2020 йилдан ўз фаолиятини бошлаган. Бугунги кунда тасарруфдаги 1623 та бошланғич ташкилотлар ўз сафларига 175 244 нафар аъзони бирлаштирган. Ўтган беш йил фаолиятда туб янгиланишлар ва амалиётга йўналтирилган ислохотлар даври бўлди. Ташкилот инсон қадрини улуғлаш, меҳнаткашларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, муносиб меҳнат шарт-шaroитларини таъминлаш, ижтимоий адолат ва ҳамжиҳатликни мустаҳкамлаш сингари йўналишларда кенг қамровли ишларни амалга оширди. Тармоқдаги ташкилотчилик салоҳияти мустаҳкамланиб, 100 мингдан зиёд аъзо қамраб

олинди. Федерация тасарруфидаги 32 та санаторийда тармоқ касаба уюшмасига аъзо корхона, ташкилот ва муассасаларда меҳнат қилаётган 50 мингдан зиёд ходим соғломлаштирилди. Улардан 8722 нафари имтиёзли, 827 нафари бепул йўлнамалардан фойдаланишди.

Ҳисобот даврида ҳуқуқий йўналишда ҳам мақтовга эришилди. Ҳисобот даврида ҳуқуқий йўналишда ҳам мақтовга эришилди. Ҳисобот даврида ҳуқуқий йўналишда ҳам мақтовга эришилди. Ҳисобот даврида ҳуқуқий йўналишда ҳам мақтовга эришилди.

Ишчи-ходимлар ўртасида ижобий муҳитни шакллантиришда маданий-маърифий ҳамда спорт тадбирларининг аҳамияти катта. Шунга мувофиқ, тармоқ касаба уюшмаси ушбу йўналишда ҳам жадал ва кенг қамровли фаолият олиб бормоқда. Хусусан, ортда қолган йиллар давомида соҳа ходимларини тармоқ келишувлари доирасида ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш мақсадида ҳамкор вазирлик ва идоралар билан турли маданий-маърифий тадбирлар, танловлар ташкил этилди.



Жумладан, 2021 йилдан бошлаб, Ўзбекистон Бадий академияси билан ҳамкорликда тўртта йирик республика танлови ҳамда учта халқаро танлов ўтказилди. Ўзбекистон композиторлари ва бастакорлари уюшмаси билан ҳамкорликда «Қалдирғоч» ҳамда болалар мусиқа ижодкорлари республика танловларини ўтказиш анъанага айланди. 2024 йилдан тармоқ тизимидаги мусиқа ва санъат мактаблари ўқитувчи ходимлари учун «Касбим — фахрим» шиори остида республика фестивалини ўтказиш йўлга қўйилди.

«Ўзбекистон бўйлаб саёҳат қил!» шиори остида 2021-2025 йиллар давомида 52 минг 385 нафардан ортиқ касаба уюшмаси аъзолари юртимизнинг диққатга сазовор жойларини саёҳат қилишди.

Умуман олганда, маданий-маърифий ва спорт йўналишида 500 дан ортиқ турли тадбирлар ташкил этилиб, уларда меҳнаткашлар, ёшлар ва фахрийлар фаол иштирок этдилар.

Кенгаш халқаро майдонда ҳам катта ютуқларга эришди. Хусусан, UNI Global Union ва Streetnet International каби нуфузли халқаро тузилмаларнинг тўлақонли аъзосига айланиб, ўз вакилларини халқаро ижроия тузилмаларга илгари сура олди. 2020-2025 йиллар давомида тармоқ касаба уюшмасининг халқаро фаолияти изчил кенгайиб борди. Шунга кўра, Қозғистон, Қирғизистон, Беларусь, Тожикистон ва Озарбайжон республикаларининг турдош касаба уюшмалари билан ҳамкорликда меморандумлар имзоланди. Бу нафақат ҳамкорликнинг, балки касаба уюшмаларининг халқаро нуфузи мустаҳкамланаётганининг ҳам яққол ифодасидир.

Қурултойда кенгашнинг фаолияти қониқарли, деб баҳоланди. Кенгаш раиси ва ўринбосарлари муқобиллик асосида яширин овоз бериш йўли билан сайланди. Унга кўра, Отабек Мусаев навбатдаги муддат учун кенгаш раиси, Одинахон Аҳмедова унинг ўринбосари лавозимига сайландилар.

Шунингдек, Маданият, спорт ва туризм ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгашининг келгуси йиллар учун бажарилиши лозим бўлган қатор устувор вазифалари белгилаб олинди.

Қурултой якунида касаба уюшмаси ташкилотлари муносиб меҳнат ва барқарор ижтимоий сибсатни таъминлаш, меҳнаткашлар ишончини оқлаш, ёшлар ва аёллар фаоллигини кучайтириш, халқаро ҳамкорликни янада чуқурлаштириш йўлида изчил саъй-ҳаракатларни давом эттириши алоҳида таъкидланди.

Қайд этилганидек, Янги Ўзбекистонда касаба уюшмаси ҳар бир инсон учун ҳуқуқий ҳимоя, маънавий таянч ва ижтимоий адолат рамзи сифатида ўз фаолиятини давом эттиради. Олдинда турган устувор вазифаларни фақат бирдамлик, ишонч ва фидойилик орқали амалга ошириш мумкин. Чунки касаба уюшмалари ишчи-ходимлар билан доимо бирга ва мудом улар учун ишлайди.

Ғулмжон МИРАҲМЕДОВ, Дийрбек ҒАНИЕВ (фото), «Ishonch» мухбирлари

МУСТАҲКАМ ҚАРОР ТОПТИРИШ ЙЎЛИДА

Қурултойлари бўлиб ўтмоқда

Унда тегишли, ҳамкор корхона ва ташкилотлар мута-садиллари, касаба уюшмаларида сайланган делегат-лар, иш берувчилар вакиллари ҳамда касаба уюшмаси фаоллари иштирок этди.

Қурултойда тармоқ касаба уюшмасининг 5 йиллик фаолияти таҳлил қилиниб, аъзолар, яъни ишчи-ходим-ларнинг меҳнат ҳуқуқи ҳамда ижтимоий-иқтисодий ман-фаатларини ҳимоя қилиш бўйича Республика кенгаши ва унга аъзо ташкилотларнинг келгусидаги вазифалари кўриб чиқилди.

Дастлаб Ўзбекистон темир йўлчилари ва транспорт қурувчилари касаба уюшмаси Республика кенгаши ра-иси Қутлимурод Собиров сўзга чиқди.

Маърузада таъкидланганидек, Ўзбекистон касаба уюшмаларининг ҳисобот давридаги фаолиятида асосий эътибор давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев ташаб-буси билан қабул қилинган «Ўзбекистон – 2030» стра-тегиясини амалга ошириш борасида барча соҳаларда олиб борилаётган кенг қўламли ислохотларда фаол иштирок этишга қаратилди.

Ўтган даврда тармоқ касаба уюшмаси юридик хиз-мати ходимлари томонидан 2725 та ҳужжат ҳуқуқий экспертизадан ўтказилган. 2020-2024 йилларда 710 та бошланғич, бирлашган ва ҳудудий касаба уюшма кўми-таларига ҳуқуқий ёрдам кўрсатилди.

Олиб борилаётган саъй-ҳаракатлар натижасида соҳа ходимларининг ўртача ойлик иш ҳақи 2 млн. 988 минг сўмдан 7 млн. 445 минг сўмгача ошишига эри-шилди.

Ҳисобот даврида асосий эътибор ходимларнинг меҳнат оид ҳуқуқлари ҳамда касаба уюшмалари фаолияти кафолатлари таъминланишига қаратилди. Тармоқ касаба уюшмалари томонидан ходимларнинг меҳнат ҳуқуқлари билан боғлиқ 46 184 та ёзма ва оғзаки мурожаати кўриб чиқилди, ташкилотларда жамоа шарт-номалари ижроси бўйича олиб борилаётган ишлар ўр-ганилди.

Жамоа шартномасида белгиланган тадбирларни амалга ошириш учун ҳар бир ходимга йил давомида сарфланган маблағ 2020 йилда 13 миллион сўмни таш-кил қилган бўлса, 2024 йилда бу миқдор салкам 23 мил-лион сўмга эътибор.

Пенсия ёшидаги ва юбилей ёшига тўлганларга, ишламайдиган пенсионерларга, бола парвариши учун таътил бўлган ёш оналарга, кам таъминланган ва боқувчисини йўқотган оилаларнинг фарзандлари (жами 56 112 нафар киши)га касаба уюшмалари ҳамда иш бер-увчилар маблағлари ҳисобидан ижтимоий ёрдам кўр-сатилди.

ЭЪТИРОФ ЭТИШГА АРЗИГУЛИК ИШЛАР САРҲИСОБИ

«Ўзбекистон темир йўллари» АЖнинг мажлислар залида Ўзбекистон темир йўлчилари ва транспорт қурувчилари касаба уюшмаси Республика кенгашининг VIII Қурултойи ҳам қизғин кечди.



Ишчи-ходимлардан 5778 нафарига санаторийларга йўлланмалар ажратилди.

Салкам 12 минг нафарга яқин ёш ишчи-ходимга касаба уюшмалари кўмиталари томонидан моддий ёрдам ажратилди.

Ҳисобот даврида ёш ишчи-ходимлардан жами 17 219 та мурожаат келиб тушган. Шундан 14 683 таси иж-обий ҳал этилиб, 2469 тасига тушунтириш берилган ва 67 та мурожаат тааллуқлилиги бўйича тегишли ташкилот-ларга юборилган.

Қурултойда тармоқ касаба уюшмаси кенгашининг барча йўналишлардаги фаолияти чуқур таҳлил этилиб, сўзга чиққан делегатлар эришилган ютуқларни алоҳида қайд этишди.

Қизғин муҳокамадан сўнг Ўзбекистон темир йўл-



чилари ва транспорт қурувчилари касаба уюшмаси Рес-публика кенгашининг ўтган ҳисобот давридаги фаоли-ти қониқарли деб баҳоланди.

Қурултойда ташкилий масала ҳам кўриб чиқилди. Хусусан, кенгаш раиси ва раис ўринбосари муқобил-лик асосида аширин овоз бериш йўли билан сайланди. Унга кўра, Қутлимурод Собиров навбатдаги муддатга кенгаш раиси, Маҳмуд Розиметов эса унинг ўринбосари лавозимига сайланди. Шунингдек, Республика кенгаши, Ижроия кўмитаси ва Тафтиш комиссияси аъзолари, Тафтиш комиссияси раиси, Ўзбекистон касаба уюшма-лари Федерацияси IX Қурултойига делегатлар ва Феде-рация Бош Кенгашига вакиллар ҳам сайланди.

Кун тартибидagi масалалар кўриб чиқилиб, тегишли қарорлар қабул қилинган Қурултойда бир қатор дав-



латлардаги, хусусан, Грузия, Арманистон, Тожикистон, Қозғистон, Қирғизистон ва Россиядаги фаолият йўна-лиши бир хил бўлган касаба уюшмалари кенгашлари раисларининг қатнашчиларга йўллаган самийий табрик ҳамда тилаклари мониторингда намоиш этилди.

Алибек НЕЪМАТОВ

«Ўзбекистон – 2030» стратегиясида бел-гиланган «Инсон қадрини ўсатиш» тамойили бугун ҳар жабҳага кириб борди. Натижада ҳу-дудларда бўлаётган ижобий ўзгаришлар ёшлардан тортиб, кексаларнинг ҳам бугунги кундан розилиги ва келажакка ишончи мустаҳкамланишига сабаб бўлмоқда. Бир-гина мисол, хориждаги кимё-фармацевтика-га ихтисослашган олий таълим муассаса-сида ўқишни истаган йигит-қизга бугун ҳеч қандай чеклов йўқ. Керак бўлса, давлатим-из уларнинг хорижда ўқиш харажатларини қоплаб берапти.

Эки айтилик, кимё-фармацевтика йўналишидаги корхона ва ташкилотларда меҳнат қилаётганлар орасида минглаб иш-чи-ходимлар нафақага чиққан. Аммо баъ-зилари меҳнат қонуничилигидаги ҳуқуқлари-дан фойдаланган ҳолда, иш жойидаги фа-олиятини давом эттириб келишмоқда. Улар ислохотлардан рози эканликларини айти-шади. «Меҳнат қилган – элда азиз» деган мақолнинг амалий ифодасини ўз ҳаётлари мисолида кўраётганликларини баён эти-шади.

Албатта, одамлар юзида, кўнглида бун-дай ижобий ҳиссиётлар уйғонишида Ўз-бекистон касаба уюшмалари Федерация-сининг, жумладан, унинг йирик тармоқла-ридан бири бўлган Ўзбекистон кимё ва фармацевтика саноати ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгашининг ҳам катта ҳиссаси бор. Куни кеча кен-гашининг 2021-2025 йиллардаги фаоли-яти сарҳисобига бағишланган IV Қурул-тойи бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси раисининг ўрин-босари Бахтиёр Маҳмадалиев ва Феде-рациянинг юридик бўлим мудири Ҳамидулла Пиримқулов ҳам иштирок этди.

Кенгаш раиси Нигора Алимжанова-нинг таъкидлашича, Ўзбекистон кимё ва фармацевтика саноати ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгаши билан «Ўз-кимёсаноат» АЖ ўртасида 2023-2025 йил-ларга мўлжалланган, «Ўзфармасаноат» ас-социацияси билан 2025-2027 йилларга мўлжалланган тармоқ жамоа келишувлари имзоланиб, амалиётга жорий этилди. На-тижада кимё ва фармацевтика тизимидаги юридик шахс мақомига эга барча кор-хоналар жамоа шартномалари билан тўлиқ қамраб олинди.

Айрим корхоналарда ижтимоий шерик-ликни кучайтириш, жамоа шартномала-рининг амалдаги қонуничилиги ва меъёрий ҳужжатларга, тармоқ макетлари ва жамоа келишувларига тўлиқ мувофиқлигини таъ-минлаш, шунингдек, уларнинг ижросини таҳлил ва назорат қилиш бўйича етарли да-ражада самарадорликка эришилгани ҳам қузатилди.



– Баъзи ташкилотларда ижтимоий меҳнат масалалари комиссияси ишини талаб даражасида ташкил этиш, ижтимоий имтиёзлар ва кафолатларни корхона фаолияти натижаларига қараб белгилашга асосланган жамоа шартномаларини жорий этишга етарлича эътибор қаратилмаган ҳо-латлар ҳам мавжуд, – деди кенгаш раиси ва келгусида уларни бартараф этиш чоралари хусусида ҳам тўхталиб ўтди.

Мухим ўзгаришлардан яна бири тармоқ жамоа келишувлари орқали жамоа шарт-номаларида 1-разрядли тариф коэффициентининг меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдорига нисбатан юқорилик миқдорда белгиланишига эришилгани бўлди. Шу-нингдек, ишлаб чиқариш жараёнининг тех-нологик хусусиятлари ҳамда тармоқ жа-моа келишувлари асосида «Фаргонаазот», «Навоийазот», «Максам Чирчиқ» АЖ каби



корхоналарда қўшимча тармоқ коэффици-ентлари жорий этилди.

Касаба уюшмалари ва иш берувчилар ўртасида тузилган жамоа шартномалари ва келишувлари асосида ходимларнинг ўртача ойлик иш ҳақи изчил оширилди. Ху-сусан, 2020 йилда ўртача ойлик иш ҳақи 2 млн. 637 минг 500 сўмни ташкил этган бўлса, 2024 йилда ўртача ойлик иш ҳақи 7 млн. 100 минг сўмни ташкил этиб, 2023 йилга нисбатан 16,8 фоизга ўсиши юзга келди.

Бундан ташқари, бандликни таъминлаш ва янги иш ўринлари яратиш борасида иш берувчилар билан ижтимоий шериклик асо-сида бир қатор самарали ишлар амалга оширилди. Жумладан, тармоқ касаба уюш-маси Республика кенгаши ташаббуси би-лан «TEXTILE BRZ» масъулияти чекланган жамияти ташкил этилди ва мазкур корхона

орқали «Аёллар дафтари»га киритилган эътиёжманд 30 нафар хотин-қиз доимий иш ўрни билан таъминланди.

Шунингдек, иш ҳақининг ўз вақтида тўла-нишини таъминлаш ва қарздорликка йўл қўймаслик борасида жамоатчилик назорати олиб борилди. Натижада иш берувчилар билан ўтказилган музокаралар ва киритилган расмий талабномалар орқали тармоқ тизи-мидаги корхона ва ташкилотларда иш ҳақи-дан муддати ўтган қарздорликлар ундири-лишига эришилмоқда.

Қурултойда кўлаб йўналишларда қи-линган ишлар, камчиликлар ва тавсиялар таъкидланди. Шу билан бирга, муқобил-лик асосида бўлиб ўтган сайловда делегат-ларнинг овоз бериш натижалари асосида Нигора Алимжанова Ўзбекистон кимё ва фармацевтика саноати ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгашининг раиси, Иброҳим Исоқов раис ўринбосари лавозим-ларига сайландилар.

Қурултойда кенгашнинг ўз йўнали-шида эътиборни кучайтириши лозим бўл-ган масалалар, ечимини кутаётган му-аммолар ҳам муҳокама қилинди. Жум-ладан, меҳнатга ҳақ тўлаш ҳамда уни меъёролаштиришнинг адолатли ва янада меҳнатга ундовчи тизимини яратиш, ҳар бир ходим учун хавфсиз ва муносиб меҳнат шaroитларини таъминлаш, бахтсиз ҳо-дисаларнинг олдини олиш билан боғлиқ устувор вазифалар бўйича ҳам тавсия-лар берилди. Тармоқ республикамиз иқти-содиётининг йирик ва муҳим бўғини экани назарда тутилган ҳолда «Тизимда меҳнат қилаётган ҳар бир ишчи-ходим қулай ва соғлом меҳнат шaroитларида ишласин!» деган давъат касаба уюшмаси вакиллари-нинг бош мақсадларидан бири сифатида янгради.


Зебо НАМОЗОВА,
Эъзоа УМУРЗОҚОВА (фото),
«Ishonch» мухбирлари

ҲУҚУҚ ВА МАНФААТЛАР ҲИМОЯСИНИНГ АМАЛИЙ ИФОДАСИ

Ўзбекистон кимё ва фармацевтика саноати ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгашининг IV Қурултойи бўлиб ўтди.



– Баъзи ташкилотларда ижтимоий меҳнат масалалари комиссияси ишини талаб даражасида ташкил этиш, ижтимоий имтиёзлар ва кафолатларни корхона фаолияти натижаларига қараб белгилашга асосланган жамоа шартномаларини жорий этишга етарлича эътибор қаратилмаган ҳо-латлар ҳам мавжуд, – деди кенгаш раиси ва келгусида уларни бартараф этиш чоралари хусусида ҳам тўхталиб ўтди.



Мухим ўзгаришлардан яна бири тармоқ жамоа келишувлари орқали жамоа шарт-номаларида 1-разрядли тариф коэффициентининг меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдорига нисбатан юқорилик миқдорда белгиланишига эришилгани бўлди. Шу-нингдек, ишлаб чиқариш жараёнининг тех-нологик хусусиятлари ҳамда тармоқ жа-моа келишувлари асосида «Фаргонаазот», «Навоийазот», «Максам Чирчиқ» АЖ каби

